


**АХМАД ВА СОРА  
МАСЖИДГА  
БОРИШАДИ**



РАШИД АҲМАД ЧАВДҲРИ

СЎЗ БОШИ

**АҲМАД ВА СОРА**

**МАСЖИДГА**

**БОРИШАДИ**

1999

ISLAM INTERNATIONAL PUBLICATIONS LTD

ISBN 5-7667-5367-5

Islamabad,  
Sheephatch Lane, Tilford,  
Surrey GU10 2AQ, U.K.

Printed by:  
Raqem Press,  
Islamabad, U.K.

© 1999 ISLAM INTERNATIONAL PUBLICATIONS LTD.

## СЎЗ БОШИ

«Ахмад ва Сора масжидга боришади» китоби ушбу туркумдаги китобларнинг иккинчиси бўлиб, болаларда Ислом таълимотига қизиқиш уйғотиш мақсадида ҳикоя тарзида ёзилгандир. Болалар ушбу китобларни ўқиб роҳатланадилар деган умиддамиз. Ушбу китобларнинг услуги, тили, суратлари ҳамда наشري айнан мана шу мақсадга қаратилган.

Ота-оналар ва ўқитувчилар бу китоблардан уйда, мактабда фойдалансалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Улардан нонушта пайтида, кечқурунлари ҳамма оила аъзолари йиғилиб ўтирганда ҳам фойдаланиш мумкин. Китобчани уйкуга ётишдан олдин ўқиш янада фойдалироқдир, чунки шундай қилинганда боланинг миясида пайдо бўлган тушунчалар кейинчалик, улғайганда ҳам бутун умр ёдида сақланиб қолади.

Ушбу китобнинг сифатини янада яхшилашга қаратилган таклиф, мулоҳазалар бўлса, биз уларни жон-дилигимиз билан қабул этгаймиз.

Ёш авлод учун мазкур китобчани нашрга тайёрлашдаги камтарин саъй-ҳаракатларимизни Аллоҳ таоло қабул қилсин ва ишимизда Унинг Ўзи мададкор бўлсин.

*АБДУЛЛОҲ ШУРОНИЙ*

«Аҳмад тезроқ ўрнингдан тулинг, болам! Намоз вақти бўлди», – деди Аҳмаднинг онаси.

Аҳмад ўрнидан турди. Ташқари ҳали қоронғу эди. Қулоғига бошқа хонадан онаси билан отасининг паст ва майин овозда муқаддас Куръонни ўқиётганлари чалинди.


Синглиси Сора аллақачон ўрнидан турган экан. Аҳмад “Бузу” яъни таҳорат қилиш учун ювиниш хонасига кирди.

Таҳорат қилиб меҳмонхона томонга йўл олди. Синглиси бомдод намозининг ёлғиз ўқиладиган “Суннат”ини аллақачон адо этиб бўлган эди. Аҳмад ҳам жойнамозга туриб, “Каъба” тарафга қараб “Суннат”ни ўқиди.

Сўнгра отасининг имомлигида улар “Фарз”ни ўқий бошладилар. Отаси “Каъба”га юзланиб биринчи сафда, Аҳмад, Сора ва онаси эса унинг орқасида бир саф бўлиб ўша тарафга қараб турдилар.

Намоз тугагач, улар ҳаммаси ўтирдилар.

Сора отасидан: «Дада, нима учун намознинг “Суннат”и ёлғиз ўқилади-ю, “Фарз” жамоа бўлиб адо этилади?» – деб сўради.



Отаси тушунтира бошлади: «Ислолда қилинадиган тоат-ибодат биздан ўзимиз ҳамда жамоа учун жавобгар бўлишимизни талаб қилади. Шунинг учун намознинг “Суннат”и ёлғиз ҳолда, “Фарз” эса жамоа бўлиб ўқилади. Уларнинг иккаласи ҳам ўзига хос афзалликларга эгадир. Биз жамоа намозини ўқиб, жамият олдидаги бурчимизни адо этамиз, яъни халқимиз билан ҳамиша бир тан, бир жон бўлиб яшашимиз кераклиги ҳақида бизга доимо уқдириб турилади.

Жамоа намози бизни интизомли ва итоатли бўлишга ўргатади. Намозхонлар “Имом”га итоат билан иқтидо қилишлари, яъни эргашишлари шарт. Бунинг аҳамияти каттадир. Агар “Имом” хатоликка йўл қўйса, пайқаган намозхонлар одоб сақлаб, ҳурмат билан “Субҳоналлоҳ”, дейишлари зарур. “Субҳоналлоҳ” дегани “ҳамма айблардан фақат Аллоҳ покдир”, деган маънони билдиради. Мана шу сўз орқали намоз пайтида “Имом”нинг хатосига ишора қилинади, шу билан бирга бу сўз хатони пайқаган кишини итоатли бўлишга ўргатади. “Субҳоналлоҳ” сўзи орқали у ўзи ҳам хатога йўл қўйиши мумкин эканлигини англаб олади».

«*Имом*» ишорага тушунмай ўз хатосини тузатмаса, у ҳолда нима бўлади?» – деб сўради Аҳмад.

«У ҳолда ҳам», – деди отаси, «намозхонлар *“Имом”*га эргашиб намоз ўқишни давом эттираверишлари лозим. Агар хато тузатилмаган бўлса, у ҳолда уни тузатиш учун намознинг охирида *“Имом”* ва намозхонлар Аллоҳ таолодан кечирим сўраб, икки марта *“Сажда”* қиладилар. Ушбу *“Сажда”*ларни *“Саждаи саҳв”* яъни бехосдан қилинган хато учун *Сажда* қилиш дейилади.

Намозхон *“Суннат”*ни адо этаётганида ўзининг хоҳиши ҳамда вақтига қараб Аллоҳ таолога истаганча илтижо қилиши мумкин. Баъзи уятчан кишилар ўз ҳиссиётларини бошқалардан яширадилар. *“Суннат”* намози намозхонга ўз Яратгувчиси олдида ўзини намоён қилиш имкониятини яратиб беради.

Жамоа намози тайин қилинган аниқ бир вақтда ўқилади, аммо *“Суннат”* ва *“Нафл”* намозини тайин қилинмаган вақтда ҳам ўқиш мумкин.



Нима учун биз намознинг бир қисмини жамоа бўлиб, иккинчи қисмини ёлғиз ўқишимизнинг сабабини энди тушунгандирсиз», – деди отаси.

«Жамоа намозининг яна бир фойдали жиҳати бор», гапга аралашди онаси. «Жамоа намозини иложи борича масжидда ўқиш кераклигини доим ёдда тутишимиз зарур. Маҳалла аҳли ҳар куни беш маҳал намоз ўқиш учун масжидда тўпланадилар, натижада ўзаро танишиб оладилар, пировардида уларда биродарлик туйғулари мустаҳкамланиб бир-бирларининг иссиқ-совуғидан хабардор бўладилар. Жума намозида бир-бирига меҳр-муҳаббат қўйиб, биродарлашган, ўзаро ҳамкорлик қилувчи бутун бир шаҳар ёки ноҳиянинг тумонот одами йиғилади. Ҳайит кунлари эса масжидга келадиган одамларнинг сони янада кўпаяди. Ҳажни эса бутун дунё мусулмонларининг йиғини дейиш мумкин».

Сўнгра отаси Сорадан сўради: «“ҲАДИС” сўзининг маъносини биласизми? Билсангиз биронта “Ҳадис”ни айтиб бергин».

Сора жавоб берди: «Расулуллоҳ айтиб қолдирган сўзлар “Ҳадис” деб аталади. Баъзан “Ҳадис”ларни “нақл”лар деб ҳам атайдилар. Мен

бир қанча “Ҳадис”ларни биламан. **«АЛ-ЖАННАТУ ТАҲТА АҚДО-МИЛ-УММАҲОТ»** “Ҳадис”и шулардан биридир.

Ушбу “Ҳадис” «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», деган маънони билдиради. Лекин дада, бир нарсага ҳайронман, ахир жаннат қандай қилиб ойимнинг оёғи остида бўлиши мумкин?» – сўради Сора.

«Яхши, мен буни тушунтириб бераман», – деди дадаси. «Ушбу “Ҳадис”да чуқур маъно бор. Аввал ҳар бир сўзнинг маъносини тушуниб олиш лозим».

**АЛ-ЖАННАТУ:** «Жаннат» дегани.

**ТАҲТА:** «остида».

**АҚДОМ:** «оёғи».

**УММАҲОТ:** «оналар».

Шундай қилиб, “Ҳадис”да болалар доимо онанинг гапига кулоқ солиши кераклиги айтилган. Онамизни ҳурмат қилишимиз ва қўлимиздан келганча дастёрлик қилишимиз зарур. Шундай қилсак, хонадонларимизда тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Бошқачасига



айтганда, биз ерда жаннат яратган бўламиз. Хонадонларимиз жаннатга айланиб кетади ва биз нариги дунёдаги жаннатга ҳам, бу дунёдаги жаннатга ҳам эга бўламиз».

Отаси сўзларини тугатиши билан Аҳмад деди: «Жума намозига қандай тайёрланиш кераклиги айтилган “Ҳадис”ни сўзлаб берсам майлими?».

Сора унинг сўзини бўлиб: «Жума намозини ҳаммамиз биламиз. Бироқ “жума”нинг маъноси нима?» – деб сўради.

«“Жума” арабча сўз бўлиб, бир вақтда ёки бир жойда жамоа бўлиб йиғилиш маъносини беради», – жавоб берди отаси. «Жума куни бир шаҳар ёки қишлоқ мусулмонлари жамоа бўлиб жума намозини ўқиш учун масжидга йиғиладилар. Жума куни Зуҳр (Пешин) намози ўрнига жума намози ўқилади».

Сўнгра отаси Аҳмаддан сўради: «Аҳмад бизга қайси “Ҳадис”ни сўзлаб бермоқчи эдингиз?».


Аҳмад айтди: «Расулulloҳ айтишича, жума куни ҳар бир мусулмон ҳаммомга тушиб яхшилаб ювиниб, хушбўй атирлардан суриб олади. Топ-тоза бўлиб масжидга бориб, ўтирган кишиларга

халақит бермасдан бўш жойга туриб, намознинг “Суннат”ини ўқийди. “Имом” келгач, жимгина унинг хутбасини тинглайди. Унинг ўтган жума билан бу жума ўртасида қилган гуноҳларини Аллоҳ таолонинг Ўзи кечирсин».

«Жуда яхши», – деди отаси. «Сиз сўзлаб берган “Ҳадис” тўғри таржима қилинган. Одатда масжидга кирган киши ўтирган одамларга халақит бермай, жимгина сафга туриши керак. Расулуллоҳ жума кунини Аллоҳ таоло марҳамат қилган кундир, деб атаган. Ўша “Ҳадис”ларнинг бирида айтилишича жума – барча кунлардан энг яхшисидир. Жума куни ҳар бир мусулмон кўпроқ “Дуруд” ўқиб туриши керак. “Дуруд” ўзларингга маълум, махсус бир дуодир. Ушбу дуода Аллоҳ таолога илтижо қилиб Расулуллоҳга раҳматлар ёғдиргил, дейилади. Ана шундай “Ҳадис”лар ҳақида сизларга кейинги сафар сўзлаб бераман».

Сўнгра у Аҳмаддан “Вузу” (таҳорат)ни қай тарзда бажарганини сўради.

Аҳмад жавоб берди: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм (раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан)», деб аввал ўнг қўлимни, сўнгра чап



қўлимни бўғинлари билан яхшилаб уч марта ювдим, кейин уч марта сув билан яхшилаб оғзимни чайдим. Сўнгра қўлим билан бурунга сув олиб 3 марта яхшилаб тозаладим. Шундан сўнг мен юзимни ҳамма ерига сув теккунча уч марта яхшилаб ювдим. Кейин қўлларимни тирсагигача уч марта тозалаб ювдим».

«Тўхтанг, тўхтанг», – деди онаси. «Ниманидир қолдириб кетдингиз шекилли. Қани, айтингчи, аввал қайси қўлингизни ювдингиз?»

«Олдин ўнг қўлимни ювдим», – деб жавоб берди Аҳмад.

«Қўлларингизни тирсагигача ювганингизга ишончингиз комилми?» – сўради онаси.

«Ҳа, онажон, қўлларимни тирсагигача ювдим», – жавоб қилди Аҳмад. Сўнгра у сўзини давом эттирди:

«Кейин қўлларимни ҳўллаб пешонадан то орқа бўйнимгача бошимга масҳ тортдим. Ундан сўнг қулоқларимнинг ичига кўрсатгич бармоқларимни тикиб, бош бармоғим билан қулоқ усти билан атрофини ишқалаб тозалаб чиқдим. Ва ниҳоят аввал ўнг, кейин чап

оёғимни тўпиғигача уч марта тозалаб ювдим, айникса бармоқ ораларининг ҳамма ерига сув теккунча яхшилаб ювдим».

«Жуда яхши», – деди отаси. «Тўғри таҳорат қилишни ўрганиб олганингиздан хурсандман».

Аҳмад отасининг мақтовли сўзларидан кувониб деди: «Мен ҳар бир намоздан олдин таҳорат қиламан, бироқ Соранинг шундай қилишига ишончим комил эмас. У баъзан таҳоратни бажармай намоз ўқийди».

«Ҳечам-да», – деди Сора. «Мен баъзан “Тайаммум” қиламан. Ўқитувчим менга таҳорат ўрнига “Тайаммум” қилинса ҳам бўлаверади, деб айтган эди».

Отаси кулимсираб сўради: «Яхши Сора, “Тайаммум” қандай бажарилишини айтиб бера оласизми?»

Сора тушунтира бошлади: «Бунинг учун икки қўл кафтини пок ер, яъни тупроқ, чанг ё қумга ўхшаган ер жинсига бир уриб, юзга масҳ тортилади, кейин қўллар бир-бирига суртилади. “Тайаммум” мана шу тарзда бажарилади».



«*Тайаммум*»ни қандай бажариш кераклигини тўғри айтдингиз, бироқ қайси ҳолларда *“Тайаммум”* қилинади, ана шуни ҳам билиб олишингиз керак-да, қизим. Ўзи аслида сув билан ювиниб, таҳорат қилиш керак. *“Тайаммум”* қилганда ер жинси сув деб фараз қилинади, шунинг учун ҳам *“Тайаммум”*ни бажарганда қилинадиган ҳаракатлар рамзийдир», – деди отаси.

«Дадажон, нима учун ер жинси сувнинг ўрнига ишлатилади?» – сўради Аҳмад.

«Ер жинси итоаткор бўлишимиз кераклигини ёдимизга солиб туради», – деб жавоб берди отаси ва сўзида давом этди: «Энди сизларга қайси ҳолларда *“Тайаммум”* қилиш мумкин эканлигини тушунтириб бераман. Агар бирон киши касал бўлиб, сув унинг соғлигига зарар етказадиган бўлса ёки яқин атрофда сув тополмаса, у ҳолда у таҳоратнинг ўрнига *“Тайаммум”* қилиши мумкин. Ислом динининг малоҳати шундаки, инсонларни мушкул аҳволга солиб қўймаслик учун ҳукмларда ҳаётда учраб турадиган турли ҳолат ва вазиятлар кўзда тутилган».

Отаси ўз сўзини тугатгач, Сора онасига деди: «Ойижон, бизга саволларингиз борми?»

«Яхши, қани менга айтинглари, бир кунда неча марта намоз ўқилади?» – сўради онаси.

«Беш марта», – деди Сора.

«Уларнинг номларини айтиб бера оласизми?», – сўрадилар оналари.

«*Фажр* (Бомдод), *Зухр* (Пешин), *Аср* (Дигар), *Мағриб* (Шом) ва *Бишо* (Хуфтон)», – жавоб берди Сора.

Аҳмад онасидан сўради: «Ойижон, нима учун беш вақт намоз ўқишимиз лозим? Сиз менинг рус ўртоғим Сашани танийсиз. У Аҳмадий мусулмон эканини ҳам биласиз. Бир куни ҳали мусулмонликни қабул қилмаган бувиси унга: «Сиз Аллоҳни кўп безовта қилаверманг. Ҳар бир ибодатнинг сони эмас, сифати керак», – дебди. Ойижон, биз бунга нима деб жавоб беришимиз керак?»

«Хўш, Саша бувисига қандай жавоб берибди?» – сўради онаси.

«У намознинг руҳий озуқа эканлигини ва биз ҳар куни бир неча

бор еб-ичиб, моддий озуқа олганимиз каби, кунда бир неча марта намоз ўқиб руҳий озуқа олишимиз лозимлигини айтган», – деди Аҳмад. «Ейиш-ичиш жисмимизга қувват берганидек, намоз руҳиятимизга қувват беради».

«Саша жуда тўғри айтибди», – деди онаси.

«Баъзи инсонлар ўрниларидан турибок, бир пиёла чой ичадилар, сўнгра нонушта, тушлик, кечки чой ва кечки овқат ейдилар. Шундай қилиб улар тан сиҳатлиги учун керакли озуқа оладилар. Руҳимизга ҳам кунда бир неча марта озуқа бериш лозим. Намоз биз учун лозим бўлган худди ана шу руҳий озуқадир. Сидқидилдан бажарилган намоз аста-секин бизни Аллоҳга яқин қилади ва кейинчалик руҳий алоқага киришамиз. Кўпинча бу нарса уйкуда бошланади. Ҳар бир киши, айниқса бола, ушбу мўъжизани биринчи бор ҳис қилганда ниҳоятда шодланиб кетади. Баъзан тушида унга илоҳий хабар келади, кейинчалик бироз вақт ўтгач, у ўша тушида кўрган нарсани айнан ўнгида кўради. Шунинг учун у Аллоҳнинг борлигига ишонибгина қолмай, балки кўнгли ва намоз ёрдамида ўзининг Аллоҳга яқинлигини ҳам ҳис қила бошлайди».

«Мен ҳам бироз қўшимча қилмоқчиман», – деди отаси. «Муқаддас Куръонга кўра, намоз бизни беадаблик ва ёмон хулқдан асрайди. У бизларни гуноҳдан халос этади. У бизни ёмон ниятлардан қайтариб, миямизга қабих фикрларни ўрнашиб қолишидан сақлайди. Намоз, албатта, Аллоҳга яқинлаштирувчи ишончли бир воситадир».

Улар намозхоннинг турли ҳаракатларида Аллоҳга бўлган ҳурмати, самимийлиги, итоаткорлиги ва тавосеси намойиш қилинишини ва у намоз орқали Аллоҳ таолонинг марҳаматига эришиши тўғрисида гаплашдилар.

«Мана шунинг учун ҳам биз намозни ўта итоаткорлик билан фикрни бир жойга тўплаб ўқишимиз керак», – деди онаси. «Намоз ўқиётганимизда ўзимизни худди улуғлар Улуғининг, шоҳлар Шоҳининг саройида турганимиздек ҳис этишимиз керак. Каттами, кичикми, ҳар биримиз Ундан паноҳ излашимиз лозим. Аллоҳ таоло муқаддас Куръонда дебдурки: «Мендан мадад сўрангиз, жавоб қайтарурман». Шундай қилиб, агар биз намозни ўзимизга одат қилиб олсак, Аллоҳ таоло дуоларимизни албатта, қабул қилади ҳамда илтимосларимизни биз учун энг яхши деб топган тарзда ижобат этади. Дуоларимиз қабул

бўлмайди деган фикрга асло бормаслигимиз лозим. Мен сизларга бир мисол келтираман.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради. Баъзан бола ота-онасидан бир нарсани олиб беришларини инжиқлик билан талаб қилади. Бироқ ўша нарсанинг ўзи учун зарарли эканлигини билмайди. Ота-она унинг талабини қондиришдан бош тортадилар, бироқ фарзандларини севганликлари учун унга бошқа яхшироқ бир нарса олиб берадилар. Аллоҳ таоло инсонларни ота-оналар ўз фарзандларини севганларидан ҳам ортиқ даражада севади. Шунинг учун ҳам биз ўзимизни тўла ишонч билан Аллоҳга топширишимиз керак. У доимо бизнинг чин кўнгилдан самимий равишда қилган дуоларимизни қабул қилади. Уларни биз учун энг яхши деб топган тарзда, ижобат қилади».

Суҳбат ниҳоятда қизиқарли бўлди. Аҳмад ҳам, Сора ҳам ота-оналарининг сўзларини диққат билан тинглаб, ўзларининг мусулмон эканликларидан фахрландилар. Аллоҳ таолога шукроналар айтиб, Ундан айбларини кечиришини сўраб, доимо тоат-ибодат қилишга қарор қилдилар.

Сўнгра онаси Аҳмадан сўради: «Энди сизнинг навбатингиз, менга намоз вақтларини айтиб бера оласизми?»

«*Фажр* (Бомдод) намози эрта саҳарда қуёш чиқишдан олдин ўқилади. *Зухр* (Пешин) намози офтоб қиёмдан кун ботар тарафга бироз оққанда ўқилади. *Аср* (Дигар) намози Пешин вақти тугаши билан қуёш ботишдан аввалроқ ўқилади. *Мағриб* (Шом) намози қуёш ботиши биланоқ ўқилади ва *Ъишо* (Хуфтон) намози қоронғи тушгандан кейин ўқилади», – жавоб берди Аҳмад.

«Жуда яхши. Икковларингиз ҳам тўғри жавоб бердингизлар», – деди онаси.

Кейин у соатига қараб олгач деди: «Энди хоналарингизга боринглар. Муқаддас Қуръонни ўқийдиган вақтларинг бўлди. Мен эса нонушта тайёрлайман».

Аҳмад билан Сора муқаддас Қуръондан бир неча оятларни ўқиб бўлишгач, бутун оила биргалашиб нонушта қилди. Аҳмад билан Сора мактабдошлари ҳақида сўзлашди. Отаси газета ўқиди, онаси эса телевизорда янгиликларни эшитиб, томоша қилди.

Тўсатдан қўнғироқ жиринглаб қолди. Аҳмад эшикни очди. Эшик



олдида унинг мактабдоши Сергей турарди. «Бугун мактабга бормаисизми?» – сўради Сергей.

«Йўқ, бугун масжидга бориш учун ўқитувчимдан рухсат олганман».

«Масжид? Бу сизларнинг черковингизми?» – сўради Сергей.

«Шунга ўхшаш. Ҳа, бу мусулмонларнинг Аллоҳга таот-ибодат қиладиган жойи. Бироқ у черковдан фарқ қилади. Чунки масжидда ҳеч қандай ўриндиқ ҳам, деворларда авлиёларнинг сурати ҳам, санамлар ҳам бўлмайди. Намозхонлар намоз ўқиётганда мана шу нарсалар уларнинг фикрини чалғитмаслиги учун масжиднинг ичи оддийгина жиҳозланган. Ибодат вақтида бирорта мусиқа асбоби ҳам чалинмайди», – деди Аҳмад.

Аҳмаднинг бу сўзлари Сергейни қизиқтириб қўйди. У Ислом дини ҳақида кўпроқ билишни истаб қолди. «Эшитишимча, сизлар масжидга киришдан аввал оёқ кийимини ечар экансизлар, шу тўғрими?» – деб сўради у.

«Ҳа, бироқ оёқ кийим намозхонага киргандагина ечилади. Биз



намозхонанинг озода бўлишини ёқтирамыз. Ундан кейин, ўзингга маълум, “Сажда”га борганда биз пешонани ерга тегизишимиз шарт, шунинг учун озодаликни сақлаш керак.

Ибодат қилувчиларнинг кайфияти яхши бўлиши учун намозхонага хушбўй нарсалар сепиш тавсия этилади. Сергей, сиз жудаям қизиқиб қолдингиз шекилли-а! Мен ўқитувчидан синфимиз билан масжидга боришимизни илтимос қиламан. Биз у ерда “Имом” билан ҳам суҳбатлашамиз», – деди Аҳмад.

« “Имом” бизнинг кашишга ўхшайдими?» – сўради Сергей.

«Бутунлай фарқ қилади. Ислонда кашишлик рутбаси йўқ. Жамоа томонидан лойиқ деб топилган ҳар бир намозхон “Имом” бўлиши мумкин. “Имом” – намозхонлар ичида Қуръонни яхши биладиган киши. “Имом” – диний раҳбардир. Баъзан жамоа “Имом”ни масжидга қараб туриши ва жамоанинг эҳтиёжларини қондириши учун тайинлайди. Шунингдек, у намоз пайти намозхонларга бошчилик қилади, бироқ бунинг учун унга пул тўланмайди», – деди Аҳмад.

«Аҳмад! Аҳмад! Ким билан гаплашаяпсиз?» – чақирди онаси.

Тезроқ бўлипти, ўлимий динийни қўлга киритди. «Агар ухлаб

«Сердце» билан жуми. Улар масжид

«Жўж» кири

«Ахмад билан


«Минни

«Аллоху

«Аллоху

«Аллоху

«Аллоху



«Тезроқ бўлинг, чўмилиб олишингиз керак, чунки биз бугун жума намози учун масжидга боришимиз керак».

«Сергей билан сўзлашяйман. Ойижон, ҳозир бораман», – жавоб берди Аҳмад.

«Жуда яхши, энди мен мактабга борай. Синфимиз билан масжидни зиёрат қилишимизни орзиқиб кутаман», – деди Сергей ва мактаб томон йўл олди.

Аҳмад билан Сора зинадан тепага чиқиб, ўз хоналарини йиғиштирдилар. Кейин улар чўмилиб, устиларига тоза кийим кийдилар, баданларига эса хушбўй атирлар сепдилар. Жума намозининг вақти яқинлашгач, бутун оила ўз машинасида масжид томон йўл олдилар. Машинада кетишаётганда Аҳмад онасидан сўради: «Жума намозига таҳорат қилиб боришимиз керакми?»

«Ғусл қилингандан кейин ҳожатхонага борилмаган бўлса ва авратларнинг биридан ел ёки нажас чиқмаган бўлса, у ҳолда таҳорат қилишнинг ҳожати йўқ», – жавоб берди онаси.

«Агар ухлаб қолсангиз ёки хушингиздан кетиб қолсангиз, қайтадан таҳорат қилишингиз лозим бўлади», – деди отаси.

Улар масжидга етиб келгач, ота-оналари билан жума намозини ўқиш учун масжидга келаётган кўплаб мусулмон ўғил ва қиз болаларни кўрдилар.

Аҳмад билан Сора машинадан тушаётганда “Муаззин”нинг баланд ва жарангдор овоз билан “Азон” айтаётгани эшитилди. Аҳмад билан Сора “Азон” сўзларини диққат билан тингладилар.

**Аллоҳу Акбар,  
Аллоҳу Акбар,  
Аллоҳу Акбар,  
Аллоҳу Акбар,**

**Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳ,  
Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳ,**

«Тезроқ бўлинг, чўмилиб олинингиз керак, чунки биз бугун жума  
намозида бўлмоқдамиз»

«Сергей, нега илҳом бўлди?»  
«Бундан аввал ҳам илҳом бўлган эди»

масжидни зиёрат қилишимиз керак»  
«Илҳом бўлди»  
«Илҳом бўлди»  
«Илҳом бўлди»

ийгиштирдилар.  
кийдилар, баданларини  
намозининг вақти  
томон йўл олдилар.  
сўради: «Жума илҳом бўлди»

«Ғусл қилишимиз керак»  
авратларнинг бири  
қилишимиз керак»



**Ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ**

**Ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ**

**Хаййа ʔалас-салоҳ,**

**Хаййа ʔалас-салоҳ,**

**Хаййа ʔалал-фалоҳ,**


**Хаййа ʔалал-фалоҳ,**

**Аллоҳу Акбар,**

**Аллоҳу Акбар,**

**Ло илоҳа иллаллоҳ,**

Муаззин “Азон”ни айтиб бўлгач, Сора Аҳмаддан сўради: «“Азон” сўзларининг маъносини биласизми?»



номи билан Расулulloҳга Аллоҳ таолонинг саломлари ва марҳаматлари бўлсин. Эй Аллоҳ, гуноҳларимни кечиргил ва менга ўзингнинг марҳамат эшикларингни очгил».

Отаси Аҳмадга намозхонадан чиқиб кетаётганида ҳам шу дуони ўқишни, фақат «**рахматик**»нинг ўрнига «**фазлик**» яъни «Сенинг марҳаматларинг», деб айтиш кераклигини уқтирди.

Сўнгра ичкарига аввал ўнг оёқни босиб киришни, ичкаридаги одамларга «Ассалому алайкум», дейиш лозимлигини тушунтирди.

Улар “*Суннат*” намозини ёлғиз ўқидилар. Сўнгра “*Имом*” келгунга қадар кўнгилда Аллоҳ таолога ҳамду сано ўқидилар ва ундан Расулulloҳга марҳамат қилишни илтижо қилдилар. “*Имом*” келгач, “*Муаззин*” яна бир марта “*Азон*” айтди. “*Азон*”дан сўнг “*Имом*” хутба ўқиди ва бир дақиқа ўтиргач, ўрнидан туриб хутбанинг иккинчи қисмини араб тилида давом эттирди.


Аҳмад билан Сора араб тилида ўқиладиган хутбанинг маъносини билмасалар-да, эл қатори жимгина тинглаб ўтирдилар.

«Араб тилида ўқиладиган хутбанинг маъносини *«Иншо Аллоҳ»* ўрганаман», – деди Аҳмад ўзига.



Жума куни “Имом” хутбасида болалар таълим-тарбиясининг муҳимлиги ҳақида сўз юритди. У “Ҳадис”дан мисоллар келтириб, Расулуллоҳ болаларга таълим-тарбия бериш кераклигини алоҳида уқтириб ўтганлигини айтди. “Имом” ота-оналарни фарзандларига иложи борича яхши таълим бериш ва катталарни хурмат қилиш руҳида тарбиялашга даъват этди. “Имом” Расулуллоҳнинг ўз саҳобаларига болаларнинг ҳис-туйғусини эъзозлаш, уларга меҳрибон бўлиш ва улар учумуҳим бўлган масалаларни биргаликда муҳокама қилиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берганлигини жамоага сўзлаб берди. Сўнгра у болаларнинг ота-оналари олдидаги бурч ва маъсулиятлари ҳақида гапириб, масаланинг ниҳоятда муҳим эканини таъкидлаш учун муқаддас Қуръондан бир неча оятларни ўқиди.

Аҳмад билан Сорага хутба жудаям ёқди. Хутбадан сўнг “Имом” жума намозини бошқарди. Жума намози тугагач, намозхонлар “Суннат” намозини яна бир бор ёлғиз ўқидилар. Намоз тугагач, баъзи намозхонлар тоат-ибодатларини давом эттириб, масжидда қолдилар, бошқалари эса масжиддан чиқиб, ўз ишларига ошиқдилар. Бир неча бола намозхонада қаттиқроқ овозда ўзаро гаплашаётганда



бир мўйсафид киши уларга танбеҳ берди: «Одамлар намоз ўқияпти-ку ахир, уларга халақит берманглар». Болалар хижолат бўлиб, жимгина ташқарига чикдилар.

Масжиддан чикқач, Аҳмад отасидан сўради: «Дадажон, нима учун масжидда сўзлашиш мумкин эмас?»

«Хутба пайтида ёки одамлар намоз ўқиётганида сўзлашиш мумкин эмас, чунки бу ҳолда намозхонларни безовта қилиб, уларга халақит берамиз. Бироқ намоздан олдин ва намоздан кейин сўзлашиш ман этилмайди, аммо суҳбат ниҳоятда паст овозда, муқаддас жойда сўзлашиладиган мавзуда ва жамоанинг эзгу мақсадини назарда тутган ҳолда олиб борилиши керак», – деди отаси, сўнгра кўшиб қўйди: «Энди кетишимиз керак».

Улар машинага ўтираётиб дўстларига қўл силкаб қўйдилар: «Ассалому алайкум».

Пешиндан сўнг улар оила бўлиб чой ичишди, сўнгра *Аср* намозини ўқишди.

Кечқурун *Мағриб* (Шом) намозини ўқишгач, биргалашиб ошхонада овқатландилар. Овқатга қўл уришларидан олдин онаси

болаларга «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм» дейиш кераклигини эслатди. Овқат пайтида ота-она ўз фарзандларига Расулуллоҳ ва ўтмишдаги бошқа буюк мусулмонларнинг ҳаёти ҳақида қизиқарли ҳикоялар сўзлаб беришди.

Шундан сўнг Аҳмад билан Сора хоналарига кетишди. Улар бироз китоб ўқиб, уй вазифаларини бажаришгач, телевизорда ўзлари энг яхши кўрган эшиттиришларни яъни ҳайвонлар ва гўзал табиат ҳақидаги кўрсатувларни тамоша қилишди.

Сўнгра кунда ўқиладиган беш вақт намознинг охиргиси *Бишо* (Хуфтон) намозини ўқиш учун пастга тушдилар. Биргаликда Хуфтонни ўқишгач, ҳар бири ўз хонасига кириб, Куръондан ўзлари ёд олган дуоларни ўқиб, ширин ва осуда уйкуга кетдилар.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. **ВУЗУ** нима?
2. Қайси ҳолларда қайтадан **ВУЗУ** қилинади?
3. Бир кунда неча марта намоз ўқилади?
4. Намоз ўқиганда юз қайси тарафга қаратилади?
5. **ҲАДИС** нима?
6. Сора ота-онасига қайси **ҲАДИС**ни сўзлаб берди?
7. **ИМОМ** ким?
8. **АЗОН** нима?
9. Жума намозига намозхон қандай тайёрланади?

10. Мусулмонлар қандай салом беришади ва унинг маъноси нима?
11. «**ИНШО-АЛЛОХ**» сўзининг маъноси нима?
12. «**СУБҲОНАЛЛОХ**»нинг маъноси нима?
13. Нима учун намознинг бир қисми жамоа бўлиб, иккинчи қисми эса ёлғиз ўқилади?
14. «**ТАЙАММУМ**» ҳақида нималарни биласиз? Таҳоратнинг ўрнига қайси ҳолларда тайаммум қилиш мумкин?
15. Намозхонага кирилганда нима учун оёқ кийими ечилади?
16. Жума намозида ўқиладиган дуоларнинг баъзиларини эсланг.
17. Масжидга кирганда ўқиладиган дуони айтиб бера оласизми? Бу дуонинг маъноси нима?
18. Намозхон масжидда ўзини қандай тутиши керак?

## АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

**АССАЛОМУ АЛАЙКУМ:** Мукулмонларнинг салоти. «Сизга тинчлик бўлсин», дегани.

**БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ:** Бирон бир ишни бошладан аввал ўқиладиган дуо. «Раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан» дегани.

**ВУЗУ:** Намоздан олдин қилинадиган таҳорат.

**ФАРЗ, СУННАТ ВА НАФЛ:** Намоз турлари: *Фарз* намознинг ўқилиши шарт бўлган қисми. Расулulloҳ *Суннат* қисмини фарзга қўшимча қилиб ўқиган. Биз *Суннат* ўқишни ҳам вожиб деб

ҳисоблаймиз. *Нафл* намозини ўқиш эса намозхоннинг ўзига ҳавола: ўқиса яхши, ўқимаса гуноҳкор бўлмайди.

**КАЪБА:** Яккаю ягона Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилиш мақсадида инсоният учун яратилган биринчи муқаддас уй.

**ИЙД:** ҳайит

**ҲАЖ:** Ҳижрийнинг махсус кунларида Маккадаги Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш.

**ИМОМ:** Намозхонларга бошчилик қилувчи киши, диний раҳнамо.

**САЖДА:** Намоз ўқиладиган вақтида тиззаларни ва пешонани ерга теккизиш ҳолати.

**ҚУРЪОН:** Мусулмонларнинг муқаддас Китоби.



